

## **КЎПМИЛЛАТЛИ ВА КЎПКОНФЕССИЯЛИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШ АВЛОДНИ ТОЛЕРАНТЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ ЗАРУРАТИ**

**Азизжон Ниязмухамедович МАМИРОВ**  
фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори  
ALFRAGANUS университети  
Тошкент, Ўзбекистон  
Aziz\_m@list.ru

### **Аннотация**

Ушбу мақолада хозирги глобаллашув жараёнида толерантлик фазилатининг республикамиз тарихи ва хозирги кунида тутган ўрни ва роли ёритиб берилган. Ўзбекистон ёшлари онгида толерант дунёқарашни шакллантириш орқали республикамизда олиб борилаётган ёшларни тарбиялаш бўйича сиёсатнинг моҳияти ва кўрсатиб берилган.

**Таянч сўзлар:** мустақиллик, бағрикенглик, глобаллашув, ёшлар, миллийлик, ғоя, миллатпарварлик, информация, теология, тенглик

## **НЕОБХОДИМОСТЬ ВОСПИТАНИЯ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ В ДУХЕ ТОЛЕРАНТНОСТИ В МНОГОНАЦИОНАЛЬНОМ И МНОГОКОНФЕССИОНАЛЬНОМ УЗБЕКИСТАНЕ**

**Азизжон Ниязмухамедович МАМИРОВ**  
Доктор философии по (PhD) философским наукам  
университет ALFRAGANUS  
Ташкент, Узбекистан  
Aziz\_m@list.ru

### **Аннотация**

В данной статье освещаются материальные и духовные механизмы воздействия на сознание молодежи в процессе глобализации, их положительные и отрицательные последствия в жизни молодежи. Показана сущность проводимой в нашей республике политики по предотвращению подобных последствий путем формирования толерантного мировоззрения в сознании молодежи Узбекистана.

**Ключевые слова:** независимость, толерантность, глобализация, молодежь, национальность, идея, любовь к своей нации, информация, технологии, равенство.

Мустақиллик йилларида давлатимиз томонидан қабул қилинган қонунлар миллий манфаатлар, хусусан, республикамизда яшаб келаётган турли миллат вакилларининг манфаат ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Уларнинг миллий манфаатлари эса конституциямиз, қонунлар ва маънавий-ахлоқий тизим манфаатлари тамойилларига асосланган.

Узоқ йиллардан бери Ўзбекистон ҳудуди кўп миллатлар ва уларнинг маданияти, урф-одатлари, тили ва дини хилма-хил кўринишга эга бўлган маскан ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳудудидан ўтган Буюк ипак йўли кўплаб давлатлар билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилишига сабаб бўлган. Турли давлатлар билан алоқалар ўрнатилиши халқнинг диний ва маданий ҳаётига, шунингдек, Мовароуннаҳрдаги урф-одат ва маданият ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатган. Натижада Ўзбекистон ҳудудида диний бағрикенглик тамойили шаклланишида бундай алоқадорлик ва фаолият катта ҳисса кўшган.

Конституция ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 та тилда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, ўндан ортиқ тилда газета ва журналлар чоп этилмоқда [4].

Илмий манбаларга таянадиган бўлсак, Ўзбекистон ҳудуди илк динлар вужудга келган энг қадимий ҳудудлардан бири эканлигини кўриш мумкин. Ватанимиз тарихида қадим замонлардан оқ буддавийлик, яҳудийлик, насронийлик каби дин вакиллари бир ўлкада тинч-тотув фаолият олиб борганлигининг гувоҳи бўламиз. Тешиктош ғорларидаги қадимий қабрлар, Фаёзтепа ва Қоратепанинг буддавийлик топилмалари, Далварзинтепа ва Суғдиёна қолдиқлари ҳозирги кунда француз ва япон археологлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган изланишлар натижалари бундан яққол далолат беради [8].

VIII асрда Марказий Осиёга кириб келган ислом ва маҳаллий динлар, уларга хос қадрият ва одатлар қоришиши юз берди [6]. Ислом динига маҳаллий аҳоли томонидан ўзига хос бўлган ахлоқий қонунлар ва ҳуқуқий

меъёрлар олиб кирилди, бу эса ислом дини шаклланиши, янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди.

Бугунги кунда маънавий уйғонишимизнинг асосий манбаи бўлиб келаётган ўзбек халқига хос бўлган бағрикенглик, этник, маданий ва диний сабр-бардошликнинг келиб чиқиш илдизлари узок ўтмишга бориб тақалади. Халқимизга хос бу хусусиятни, ҳатто, бирга яшаб келаётган ўзга дин вакиллари ҳам эътироф этишади. Хусусан, яҳудийлар жамоаси вакиллари билан бири Р.Бен-Сен Бухорода VIII асрдаёқ дастлабки синагога қурилгани ва иудачилик динига бошқа динлар қатори тенг ҳуқуқли тарзда ибодат қилиш учун шароит яратиб берилгани ўша пайтлардан бошланганлигини таъкидлаб, «Ўрта аср Европаси ва Византия империясидан қувғин қилинган яҳудийлик Марказий Осиёда бошқа динлар билан бир хил ҳуқуққа эга эди» [7], деб ёзади.

Маълумки, бугунги кунда турли маданият ва диний конфессиялар ўзаро алоқадорлиги кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бу ҳол улар орасидаги ижтимоий, маданий ва диний соҳалардаги доимий алоқалар таъминланишини талаб қилмоқда. Шу мақсадни инобатга олган ҳолда, 1981 йил 25 ноябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 36/55-резолюциясида диний, ирқий ёки эътиқодга асосланган инсон камситилишига олиб келадиган муносабатларнинг ҳар қандай кўринишини тугатиш ҳақида декларация қабул қилинди.

БМТнинг динлараро низомида инсонлар орасида толерант муносабатга қатъий аҳамият берилган. Шу билан бир қаторда, «Бағрикенглик – бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усуллари хурмат қилиш, қабул қилиш, тўғри тушунишни аниқлаш» [12], дея таъкидлаб ўтилган.

Мустақиллик йилларида республикада юзлаб масжидлар, черковлар, синагога ва ибодат уйлари қурилди, қайта таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда юртимизда 2200 дан ортиқ диний ташкилотлар мавжуд. Улардан 2100 га яқини исломий, 157 та христиан ташкилотлари, 8 та яҳудий,

6 та баҳойӣ жамоаси, 1 та Кришна жамияти ва 1 та Будда ибодатхонаси фаолият юритмоқда. Улар қаторида Тошкентдаги «Ҳазрати Имом» мажмуи, «Минор» масжиди, вилоят марказларидаги жоме масжидлар, Тошкентдаги Рус православ черковлари, шунингдек, буддавийлик ибодатхонаси, Самарқанддаги Арман Апостол черкови ва бошқаларни айтиш мумкин.

«Толерантлик» тушунчаси деганда, бирор нарсани, ўзгача фикр ёки карашни, ўз шахсий тушунчаларидан қатъи назар, имкон қадар, бағрикенглик ва сабр билан қабул қилишни англатади. Диний бағрикенглик энг аввало, виждон эркинлиги ва маънавий жиҳатдан аҳамиятга молик бўлган, бошқа дин вакилларига нисбатан хурматни билдиради. Турли дин ва конфессия вакиллари эътиқодида фарқлар бўлишига қарамай, уларнинг ёнма-ён ва ўзаро тинч-тотув яшашини англатади [11].

Диний бағрикенглик инсоннинг ўз эътиқодидан воз кечиб, бошқа эътиқодга ён босишни англатмайди. Балки бошқа динларга нисбатан сабр-тоқатли муносабатда бўлишни тарғиб қилади. Бирор инсоннинг диний ва маданий қарашлари бошқа инсонга мажбурий сингдирилиши мумкин эмаслиги ҳам бағрикенгликни билдиради.

Ҳозирда республикамизда ёш авлод онгида бағрикенглик тамойилини шакллантириш учун барча шароит мавжуд. Мамлакатимизда олиб борилаётган динлараро бағрикенглик сиёсати нафақат МДҲ давлатлари орасида, балки бутун дунёга намуна бўлмоқда, деб айтиш мумкин. Буни Москва ва бутунрус патриархи Алексей II, собиқ АҚШ сенатори Хиллари Клинтон хоним ва собиқ АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтлар юртимизга қилган ташрифи ва зиёрати вақтида айтиб ўтганлар.

Юртимизда турли конфессияларга мансуб фуқаролар уларга яратилган шароит ва имтиёزلардан тўлақонли фойдаланмоқдалар. Ҳар йили 150 дан ортиқ ноисломий конфессиялар вакиллари Исроил, Греция ва Россиядаги диний муқаддас жойларга зиёратга бориб келмоқдалар.

Мустақил Ўзбекистон ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро меъёрларни тан олган, мазкур масала бўйича халқаро ҳамжамият қабул

қилган ҳужжатларга тўлақонли қўшилган. Ўзбекистонда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» Қонун қабул қилинган, 1998 йил 1 майда қонуннинг янги таҳрири қабул қилинди. Қонун 23 моддадан иборат бўлиб, 3-моддаси «Виждон эркинлиги ҳуқуқи» деб номланган. Бу моддада виждон эркинлиги ҳақида қуйидагилар ёзилган: “Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилайдиган пайтда у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди”. Бу Ўзбекистон халқининг турмуш тарзида белгиланган ҳаётий мезон ва қоида ҳисобланади. Ислом динида ҳам бу масалада бошқа динларга сабр-тоқатли бўлиш, ўзаро ҳурмат ва мураса тамойилларини назарда тутган ҳолда: «Динда зўрлаш йўқ...» [13] деб ўтилган.

Виждон эркинлиги инсон ҳуқуқлари масаласининг энг муҳимларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам БМТнинг 1948 йилда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари декларацияси»да бу масалага алоҳида эътибор берилган. Инсон ҳуқуқлари декларациясининг 18-моддасида «Ҳар бир инсон ... эътиқод ва виждон эркинлиги ҳуқуқига эгадир», деб ёзилган.

Ўзбекистонда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси «Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги» деб номланган бўлиб, ҳар бир шахснинг миллати, ирқи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлиги таъкидланган.

Ислом дини Ўзбекистонда совет ҳукумати босиб олгунга қадар жамиятнинг маънавий озиғи бўлиб келган. Шу сабабли мамлакатимиз дунё динлари ривож топган замин сифатида инсоният цивилизациясида алоҳида мавқега эга.

Конституцияда дин ва диний эркинлик ҳақида ҳам айтиб ўтилган: «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган

диниға эътиқод қилиши ёки ҳеч қайси динға эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» [1].

Агар бирор кимса ўзи мансуб бўлган дин ёки конфессияни бошқа кимсага нисбатан мажбурий тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борса, бу ҳаракат қонун даражасида чора кўрилишига олиб келади.

Ўзбекистонда бугунги кунда турли динлар ва миллатларнинг урф-одатлари, қадриятлари, байрам ва маросимларини қадрлаш, бу борада миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш, уларни ёш авлодга намуна қилиб ўргатиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ миллийликни ривожлантириш, юртимизда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари манфаатини ҳимоя қилиш, уларни умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштириш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ҳозирги ёш авлодга муносиб мерос қолдириш ҳам айнан мана шу жиҳатларни қай даражада ривожланишига боғлиқ.

Ўзбекистонда қабул қилинган Миллий ҳавфсизлик концепцияси ва барқарор тараққиёт стратегияси конституция, қонун устуворлиги ва бошқа халқаро декларациялар, конвенция ва шартномалар, дунё давлатлари қонунчилиқ тажрибаларига, умуминсоний демократик-гуманистик тамойилларга, манфаатларга мослиги жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмоқда. Масалан, БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчи вакили Стефан Приснер: «БМТнинг Ўзбекистондаги тузилмалари мамлакатингизнинг янги тараққиёт дастурини тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган чора ва тадбирлар Ўзбекистоннинг бугунги ривожланиш босқичида жуда долзарб саналади. Унда маъмурий, суд-ҳуқуқ, иқтисодий ислохотлар, ижтимоий соҳани ривожлантириш, шунингдек, яқин қўшничилик, дўстлик ва миллатлараро бағрикенглик руҳида ташқи сиёсат олиб бориш кўзда тутилган.

Унда белгиланган кўплаб вазифалар БМТнинг 2016-2020 йилларга мўлжалланган тараққиётга кўмаклашувчи доиравий дастурига мувофиқ», деб алоҳида таъкидлаган. Унга ҳамоҳанг равишда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Криста Паккат, БМТ Аҳолишунослик жамғармасининг юртимиздаги ваколатхонаси вакили Миёко Ябута, БМТ Болалар жамғармаси (ЮНИСЕФ)нинг мамлакатимизда ваколатхонаси раҳбари Саша Грауманнлар мамлакатимизда турли манфаатларни уйғунлаштиришга доир ислохотлар натижаларига юқори баҳо беришди [14].

Ўзбекистонда ёшлар онгига миллатпарварлик концепцияларини сингдиришда энг аввало, мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг моддий ва маънавий механизмларини вужудга келтириш лозим. Бундай механизмни яратиш учун иқтисодий ислохотларни тўғри йўлга қўйиш жоиз. Барқарор иқтисодий ислохотларга эга бўлмасдан туриб, турли миллат ва элатлар эҳтиёжларини қондириш ва уни юртимиз тараққиётига хизмат қилишга йўналтириш учун фойдаланиб бўлмайди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон миллий хавфсизлиги доктринасининг энг асосий вазифаси мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилаётган турли миллат вакилларининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий доктринасида миллий манфаатларни ҳимоя қилиш масаласида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикаси барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш, ўз халқининг турмушини яхшилаш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этган нормаларига, демократия ва ижтимоий адолат принципларига асосланган ижтимоий тизимни мустаҳкамлаш учун қулай шарт-шароитлар яратади, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларда тинчликсеварлик йўлидан бориб, айна вақтда ўз фуқароларининг ҳаёти ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш вазифасини ўз зиммасига олади, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставига биноан ўзини-ўзи мудофаа қилишдек ажралмас

хуқуқни амалга оширади, давлатнинг ҳарбий қудрати ва муҳофаа қобилияти оқилона зарурат даражасида бўлишини таъминлайди» [3].

Жаҳонда кечаётган ижтимоий, маънавий-маданий, ғоявий-мафкуравий муносабатларнинг интеграциялашув ва универсаллашув жараёнлари глобал толерантлик қадриятини шакллантириб, уни умуминсоний муаммоларнинг муқобили бўлмаган омилга айлантирмоқда [10]. Бу эса, ўз навбатида, жамиятнинг глобал тараққиётига нисбатан янги ҳуқуқий нормалар ва умуминсоний маънавий, ахлоқий қадриятлар мажмуасини шакллантириб, миллий ва умуминсоний манфаатларни глобал миқёсда режалаштириш, такомиллаштириш функцияларини яратиш ҳозирги кунда асосий масалага айланиб бормоқда.

Бу муаммо ечими қуйидаги вазифалар қай даражада бажарилишини тақозо қилади. Биринчидан, ҳар қандай глобал муаммо фан-техниканинг шиддатли ривожланиши натижасида юзага келган маънавий инқирозни бартараф қилишга боғлиқ.

Иккинчидан, уларни бартараф этишда умуминсоний, умуммиллий манфаатлар ва қарашларни уйғунлаштириш, уларга тегишли бўлган муаммоларнинг рационал ечимини ўйлаб топиш жоиз.

Республикамизда миллий ғурур, ифтихор ва миллатнинг шаъни қабиаларни анлаган миллатгина ўзлигини англаши, бошқа миллат вакиллариغا ҳам ҳурмат билан қараши зарур. Бу хислатлар ҳар бир миллатнинг тафаккури ва онгининг қанчалик даражада юксак ривожланганлигини билдиради. Миллат онгини эса фақатгина маърифат ва маънавиятга жиддий эътибор берилгандагина ошириш мумкин. Акс ҳолда бундай миллат келажак авлод олдида ўз масъулиятини йўқотиб, залолатга юз тутиши муқаррар.

Толерантлик йўналиши бўйича юртимизда амалга оширилаётган ижобий ишлар дунё миқёсида юксак эътирофга сазовор бўлмоқда. Бу борадаги фикрлар Германия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчисининг сиёсий-ижтимоий масалалар бўйича референти Ренате Ленер томонидан айтиб ўтилгани қувонарли ҳол. Бу ҳақда Ренате Ленер:

«Ўзбекистон иқтисодий, ижтимоий соҳаларда биз ўйлагандан кўра анча илгарилаб кетган, кўплаб бошқа Шарқ мамлакатларига ҳақиқий маънода ўрناк бўла оладиган, демократик давлат эканига гувоҳ бўлдим. Конференция диний бағрикенглик мавзусига бағишлангани мени қувонтирди. Бу ерда турли дин вакиллари – католик, православ, мусулмон, яҳудийлар бир-бирлари билан худди яқин қариндош, биродарлардек мулоқот қилаётганларини кўриб, Ўзбекистоннинг диний соҳада олиб бораётган сиёсати тўғри ва адолатли эканига амалда гувоҳ бўлдим. Мен олдин ҳам расмий ташриф билан мусулмон давлатларида бўлганман. Лекин турли дин вакиллари эркин ва хотиржам ҳолатда, худди Ўзбекистондагидек ҳурсанд юрганларини кўрмаганман» [9], дея таъкидлаши диққатга сазовордир.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев: “Ўзбекистон миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик соҳасида ўз анъаналарига доимо содиқ бўлиб, бу йўлдан ҳеч қачон оғишмасдан илгари боради. Мамлакатимизда турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат, дўстлик ва аҳиллик муҳитини мустаҳкамлашга биринчи даражали эътибор қаратилади. Бу – бизнинг энг катта бойлигимиз ва уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш барчамизнинг бурчимиздир” [5], дея бежиз таъкидламаган. Зеро, халқимиз маънавиятига хос бўлган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳити таъминланиши аввало, юртимизда тинчлик ва барқарорликнинг ҳукм суришида муҳим ўрин тутуди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Адолат, 2022.
2. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 61 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Ҳарбий Доктринаси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августдаги 105-1-сон қарори билан қабул қилинган. /Lex.Uz/

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий таракқиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <http://www.uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasu-28-12-201>
6. Бартольд В.В. Сочинения. Т. 6. – Москва, 1996.
7. Бенсмен Р. Деятельность религиозных организации по укреплению межрелигиозного согласия // Межрелигиозное согласие-важное условие углубления демократических процессов в странах Центральной Азии (На примере Республики Узбекистан): материалы международной конференции. – Ташкент, 2002. – С. 125-126.
8. Дарвеш Р.А., Левтеев Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. – Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
9. Конфессиялараро мулоқот ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови. 12 news.uz
10. Мамашокиров С. Толерантлик – глобал муаммолар ечимининг маънавий-ахлоқий асоси. //Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда толерантликнинг долзарб муаммолари: методологияси, ҳозирги давр ва истиқбол: мавзуидаги халқаро илмий-назарий конференция. – Тошкент, 2015. – Б. 3.
11. Хусниддинов З. Ўзбекистонда диний бағрикенглик. – Тошкент: Ислом академияси, 2006.
12. ЮНЕСКО халқаро меъёрий хужжатлари (Тўплам). – Тошкент: Адолат, 2004.
13. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи А.Мансуров. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2004.
14. [Htt://www.naesmi.uz](http://www.naesmi.uz). ҳаракатлар стратегияси барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғун, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, 9.03.2017.